

“МАРӀХУ-Л-АРВӀХИ” АСАРИДА ТЎҒРИ ФЕЪЛЛАРНИНГ ТАСНИФИ**Садритдинова Дилфуза Маматхоновна**

Араб филологияси кафедраси ўқитувчиси, ТДШУ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6645181>

Аннотация. Мақоламиз объекти бўлган “МарӀху-л-арвӀхи” асарида феълларнинг қай даражада ёритилишини ўрганишдан олдин сарф илмининг объекти нима эканлигига эътибор қаратамиз.

Калит сўзлар: феъллар, калималар, морфология, масдардир, ўрта ҳарфлар.

CLASSIFICATION OF CORRECT VERBS IN MARUHU-L-ARVUHI

Abstract. In Marāhu-l-arvāhi, which is the object of our article, we will focus on what is the object of applied science before studying the extent to which verbs are covered.

Keywords: verbs, words, morphology, masdar, middle letters.

КЛАССИФИКАЦИЯ ПРАВИЛЬНЫХ ГЛАГОЛОВ В МАРУХУ-Л-АРВУХИ

Аннотация. В Marāhu-l-arvāhi, который является предметом нашей статьи, мы сосредоточимся на том, что является объектом прикладной науки, прежде чем изучать степень охвата глаголов.

Ключевые слова: глаголы, слова, морфология, масдар, средние буквы.

КИРИШ

Маълумки, “сарф” илми бу грамматиканинг бир қисми бўлмиш морфологиядир. Бироқ бу атамага шундай қисқа жавоб бериб қўя қолиш қулай бўлса-да, унга берилган бирор бир таъриф билан танишиб ўтганимиз мақсадга мувофиқдир. Қуйида сарф илми ва унинг объектига шундай таъриф берилади:

Калима (сўз)ларнинг сийғалари, яъни ҳарфлари ва ҳаракатларини қандай равишда ўзгариши ва шу ўзгаришлар туфайли калималардаги маъноларни ўзгаришини тушунтирадиган илмга «сарф илми» дейилади. Бошқача қилиб айтганда, сарф илми турли хил маънолар англатиши учун калималарни ҳар хил айтилишини ўргатади.

“Сарф – бу калималарнинг тусланиши ва улардаги (тусланиш жараёнида рўй берадиган) фонетик ходисалар ўрганиладиган илмдир. Бу орқали биз калималарнинг жумладан ташқарида бўладиган асл ҳолатини ўрганамиз”.

Демак, бу илм сўз шакллари ва ҳар бир шаклнинг берадиган маъноларини ўрганар экан ва “морфология” атамасига тўғри келар экан.

Одатда, сарф илмига бағишлаб ёзилган китобларда сўз (калима), сўз туркумлари ва уларнинг таърифлари ҳам бериб ўтилади. Масалан:

Калима –маъноли сўздир. Масалан: **إِمَامٌ، مَكْتَبٌ، مَسْجِدٌ** каби.

Араб тилида ишлатиладиган калималар уч қисмдан иборатдир:

1. Исм; 2. Феъл; 3. Ҳарф.

Исм –уч замоннинг бирига тегишли бўлмай, ўзидан маъно англатган калимадир. Масалан: **قَلَمٌ** ва **كِتَابٌ** каби.

Феъл – уч замоннинг бирига далолат қилиб, ўзидан маъно англатган сўздир. Масалан:

– **ضَرَبَ** урди у бир эркак, ўтган замонда

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ҳарф –ўздан маъно англатишда бошқа бир сўзга муҳтож бўлади. Масалан: سَافَرْتُ إِلَى مِنَ الْقَاهِرَةِ «Мадинадан Қоҳирага сафар қилдим»,–жумласи (гап)даги مِنَ ва إِلَى харфлари кабики, (/дан) ва (/га) маъносида бўлиб, ёлғиз ҳолда келса маъно англатмайди.

Бироқ асар айнан феълларнинг қандай бобларда келишини ёритишга йўналтирилганлиги учун ҳам бу асарда исм ва ҳарф сўз туркумларига тўхталиб ўтилмаган. الصحيح هو الذي ليس في مقابلة الفاء والعين واللام حرف علة وتضعيف وهمزة ، نحو : الضرب.

Тўғри феъл фа, айн, ломнинг ўрнида иллатли ҳарф ташдидланган ҳарф ҳамза бўлмаган феълдир.масалан: الضرب (уриш)

فإن قيل : لم اختص الفاء والعين واللام للوزن؟

قلنا : حتى يكون فيه من حروف الشفة والوسط والحلق شيء.

Нега фа, айн, лом вазн учун танланади дейилса биз шундай деймиз. Унда лаб ҳалқум ва ўрта ҳарфлар бўлганлиги учун.

قلنا : «الضرب» مصدر ، يتولد منه الأشياء التسعة ، وهو أصل في الاشتقاق عند البصريين ؛ لأن مفهومه واحد ، ومفهوم الفعل متعدد لدلالته على الحدث والزمان ، والواحد قبل المتعدد ، وإذا كان أصلا للأفعال يكون أصلا لمتعلقاتها ، أو لأنه اسم ، والاسم مستغن عن الفعل.

Биз деймиз: «الضرب» масдардир. Ундан тўққиз хил шакл ҳосил бўлади. Бу Басраликларда иштиқоқ аслидир. Чунки унинг тушунчаси бирдир, феъл тушунчаси содир бўлаётган воқеа ҳодиса ва замонга ишора қилади. Феълнинг турфа хил маъноларидан олдин унинг битта маъноси мавжуд. Агарда масдар феъллар учун ўзак бўлса, у феълга боғлиқ бўлган шакллар учун ҳам ўзакдир, ёки у исмдир, исм эса феълга муҳтож эмас.

ومصدر الثلاثي كثير ، وعند سيبويه يرتقي إلى اثنين وثلاثين بابا نحو : قتل ، وفسق ، وشغل ، ورحمة ، ونشدة ، وكفرة ، ودعوى ، وذكرى ، وبشرى ، وليان ، وحرمان ، وغفران ، ونزوان ، وطلب ، وخنق ، وصغر ، وهدى ، وغلبة ، وسرقة ، وذهاب ، وصراف ، ومدخل ، ومرجع ، ومسعاة ، ومحمدة ، وسؤال ، وزهادة ، ودراية ، ودخول ، وقبول ، ووجيف ، وصهوية.

Уч ўзакли феълларнинг масдари кўпдир. Сибавейҳида улар ўттиз иккита бобга бўлинади.

Масалан: قتل ، وفسق ، وشغل ، ورحمة ، ونشدة ، وكفرة ، ودعوى ، وذكرى ، وبشرى ، وليان ، وحرمان ، وغفران ، ونزوان ، وطلب ، وخنق ، وصغر ، وهدى ، وغلبة ، وسرقة ، وذهاب ، وصراف ، ومدخل ، ومرجع ، ومسعاة ، وشهوية (ўлдириш, бузғунчилик, шуғулланиш, раҳм қилиш, куйлаш, исқиртлик, даъват, эсталик, хушхабар, юмшоқлик, маҳрум этиш, кечириш, сакраш, талаб қилиш, бўғилиш, кичиклик, тўғри йўлга бошлаш, ғалаба, ўғрилиқ, бориш, пул алмаштириш, кириш жойи, қайтиш, мақтовлик иш, мақтовли фазилят, савол, художўйлик, кириш, қабул қилиш, кўрқув.

والأفعال التي تشتق من المصدر خمسة وثلاثون بابا : ستة للثلاثي المجرد، نحو:

1 - ضرب يضرب.

2 - وقتل يقتل.

3 - وعلم يعلم.

4 - وفتح يفتح.

5 - وكرم يكرم.

6 - وحسب يحسب.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Масдардан иборат феъллар 35 бобдир. Шулардан олтитаси уч ўзакли феълларникидир. Масалан:

1. Урмоқ ва ураяпти
2. Ўлдирмоқ ва ўлдираяпти
3. Билмоқ ва билаяпти
4. Очмоқ очаяпти
5. Сахий бўлмоқ ва сахий бўляпти
6. Ҳисобламоқ ва ҳисобляпти

ويسمى الثلاثة الأول : دعائم الأبواب ، لاختلاف حركاتهن في الماضي والمستقبل وكثرتهن.

Дастлабки учта феъл ўтган ва ҳозирги-келаси замондаги ҳаракатларининг бир-биридан фарқланганлиги ҳамда кўплиги сабабли бобларнинг асослари деб аталади.

و «فتح يفتح» لا يدخل في الدعائم ، لانعدام اختلاف الحركات وانعدام مجيئه بغير حرف الحلق

Очмоқ, очаяпти феъли эса ҳаракатларнинг бир хиллиги ва ҳалқум ҳарфларисиз келганлиги сабабли бобларнинг асослари қаторига кирмайди.

و «كرم يكرم» لا يدخل في الدعائم ؛ لأنه لا يجيء إلا من الطباع والنوع (1) ، وكذا : «حسب يحسب» لا يدخل في الدعائم لقلته.

Сахий бўлмоқ, сахий бўляпти феъли ҳам асослари қаторига кирмайди. Чунки у фақатгина хусусият ва тафсифлашда келади. Шунингдек ҳисобламоқ ҳисобляпти феъли кам қўлланганлиги учун ушбу қаторга кирмайди.

واثنا عشر بابا لمنشعبة (2) الثلاثي ، نحو :

- 1 - أكرم.
- 2 - وقطع.
- 3 - وقاتل.
- 4 - وتفضل.
- 5 - وتضارب.
- 6 - وانصرف.
- 7 - واحتقر.
- 8 - واستخرج.

МУҲОКАМА

Феълларнинг ўн икки боби уч ўзакли феълларнинг шажараланиши (ўзбек тили дарсларидаги феъл бобларига) тегишли. Мисол учун:

1. Ҳурмат қилмоқ
2. Кесдирмоқ
3. Курашмоқ
4. Марҳамат қилмоқ
5. Бир-бири билан урушмоқ
6. Кетмоқ
7. Таҳқирламоқ
8. Қазиб чиқармоқ

وواحد للرباعي ، نحو : دحرج وثلاثة لمنشعبة الرباعي وستة لملحق : «دحرج» واثنان لملحق : «احرنجم»
ومصداق الإلحاق اتحاد المصدرين

ХУЛОСА

Биттаси тўрт ўзакли феълга тегишли. Мисол учун **دحرج** сирпанмоқ. Учтаси тўрт ўзакли феълнинг гуруҳларга бўлинган шакли. Олтитаси **دحرج** феълнинг ҳосила боби. Иккитаси **احرنجم** феълнинг ҳосила боби. Бунинг далили масдарларнинг бир-бирига тўғри келишидир.

Адабиётлар руйхати

1. Ahmedova, Shahlo Irgashbaevna BAHRAYN YOZUVCHILARI FAVZIYA RASHID VA AMIN SOLIH HIKOYALARI USLUBI // ORIENSS. 2021. №Special Issue URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/bahrayn-yozuvchilari-favziya-rashid-va-amin-solih-hikoyalari-uslubi>.
2. Shakhlo Irgashbaevna Akhmedova. (2021). SYMBIOSIS OF ARTISTIC TRENDS IN CONTEMPORARY LITERATURE OF THE ARAB COUNTRIES OF THE PERSIAN GULF. CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PHILOLOGICAL SCIENCES (2767-3758), 2(09), 105–109. <https://doi.org/10.37547/philological-crjps-02-09-23>
3. Аҳмедова, Шахло Иргашбаевна ЯПОН ВА ҚУВАЙТ АДИБАЛАРИ ХИКОЯЛАРИДА АЁЛ ОБРАЗИ // ORIENSS. 2022. №Special Issue 22. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/yapon-va-uvayt-adibalari-hikoyalarida-ayol-obrazi>.
3. Markhabo Raxmonkulovna Abdullayeva. (2022). CONVEY THE NATIONAL SPIRIT IN TRANSLATIONS. International Scientific and Practical Conference "Modern Psychology and Pedagogy: problems and solutions", ANGILYA. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6531998>
4. Markhabo Raxmonkulovna Abdullayeva. "GROUPING OF OPPOSITE OPTIONS OF VERBAL PHRASEMAS IN UZBEK LANGUAGE (EXAMPLE OF TRANSLATIONS OF AGATHA CHRISTIE'S WORKS)" Scientific progress, vol. 3, no. 2, 2022, pp. 190-193.
5. Akramxodjaeva, D., M. Nasretdinova, and M. Abdullayeva. "Translation of national events and concepts in fiction." International Journal of Scientific and Technology Research 9.2 (2020): 2984-2986.